БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 265 (17.249). • 21 ноябрь 1978 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

СССР—ЭФИОПИЯ: ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Шартномани имзолаш пайти. ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

20 ноябрь куни Катта Кремль саройида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шартномани:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев;

Социалистик Эфиопия номидан — Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси, революцион армия бош қўмондони Менгисту Хайле Мариам имзоладилар.

Шартномани имзолаш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:

Совет томонидан — Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар;

Эфиопия томонидан — Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзолари Берхану Байе, Гессессе Вольде Кидан, ЭМХМК Марказий Комитетининг аъзоси Пехвалашет Гирма, ЭМХМК аъзоси Менгисту Гемечу ва бошқа расмий кишилар.

(ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК ЭФИОПИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ш А Р Т Н О М А

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия,

ўзлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш иккала мамлакат халқларининг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ҳисоблаб,

давлатлар ўртасида тинч муносабатларни ривожлантириш ва самарали халқаро ҳамкорликка ўзининг тегишли ҳиссасини қўшишни истаб,

совет халқи билан Эфиопия халқининг социал ва иқтисодий ютуқларини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш учун ҳамда шулардан ҳар бирининг барча табиий ресурслари устидан суверенитетининг ҳурмат қилинишин учун шарт-шароитларни таъминлашда мустаҳкам ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилаверишларини билдирадилар.

3-МОДДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Социалистик Эфиопия ўтказаётган ва Африка Бирлиги Ташкилотининг Устави ҳамда қўшилмаслик ҳаракатининг мақсадлари ва принципларига асосланувчи ҳамда халқаро ҳамкорлик ва тинч-тотув яшашни ривожлантиришда муҳим омил бўлган сиёсатни ҳурмат қилади.

Социалистик Эфиопия Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўтказаётган ва барча мамлакатлар ҳамда халқлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни ҳурмат қилади.

4-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар халқаро тинчлик ва халқларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, бу жараён дунёнинг ҳамма районларига ёйилиши, у давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг конкрет формаларини касб этиши учун, халқаро низоли масалаларни давлатлар ўзларини агрессияга қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ индивидуал ёки коллектив асосда ҳимоя қилиш қонуний ҳуқуқларига зарар етказмайдиган тинч воситалар билан бартараф этишлари учун бутун куч-ғайратларини бундан буён ҳам сарфлайверадилар. Улар самарали халқаро назорат остида ялпи ва батамом қуролсизланиш, шу жумладан ядро қуролини тарк этиш ишига актив ёрдам бераверадилар.

5-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар эски ва янги мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеиднинг узил-кесил тугатилиши, БМТнинг мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияси тўла амалга оширилиши йўлида бундан буён ҳам актив ҳаракат қилаверадилар.

6-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар иккала мамлакатнинг манфаатларига бевосита таллуқли муҳим халқаро масалалар юзасидан бир-бирлари билан маслаҳатлашиб турадилар.

7-МОДДА

Тинчликка хавф солувчи ёки халқаро тинчликни бузувчи вазиятлар вужудга келган тақдирда аҳдлашувчи олий томонлар вужудга келган хатарни тугатиш ёки тинчликни тиклаш манфаатларини кўзловчи позицияларини координация қилиб олиш мақсадида дарҳол бирбирлари билан мулоқотга киришиш ҳаракатида бўладилар.

8-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар ўз ўрталаридаги иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, шу соҳалардаги ҳамкорлик ва тажриба алмашишни кенгайтириб ва чуқурлаштириб борадилар. Томонлар ўз ўрталарида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаат ва энг кўп қулайликлар яратиш принциплари асосида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириб боравердилар.

9-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар иккала мамлакат халқларининг ҳаёти, меҳнати, тажрибаси ва ютуқлари билан ўзаро янада чуқурроқ танишиш мақсадида ўз ўрталарида фан, маданият, санъат, адабиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, матбуот, радио, кино, телевидение, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги алоқалар ва ҳамкорликларни янада ривожлантиришга кўмаклашавердилар.

10-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонларнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, улар ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни давом эттирадилар.

11-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонларнинг ҳар бири иккинчи аҳдлашувчи олий томонга қарши қаратилган иттифоқларга киришмайди ёки давлатларнинг бирон-бир гуруҳларида, шунингдек хатти-ҳаракатлар ёки тадбирларда қатнашмайди.

12-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар шуни билдирадиларки, ушбу шартноманинг қоидалари улар мавжуд халқаро шартномаларга кўра зиммаларига олган мажбуриятларига зид келмайди ва ушбу шартномага тўғри келмайдиган бирон-бир халқаро битимлар тузмаслик мажбуриятини қабул қилди.

13-МОДДА

Ушбу шартноманинг бирон-бир қоидасини талқин этиш ёки қўллаш хусусида аҳдлашувчи олий томонлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай масалалар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик руҳида икки томонлама тартибда ҳал этилади.

14-МОДДА

Ушбу шартнома кучга кирган кунидан бошлаб йигирма йил мобайнида амалда бўлади.

Аҳдлашувчи олий томонлардан бирортаси ҳам шу муддат тугашига бир йил қолганида шартноманинг амал қилишини тўхтатиш истагида эканлигини билдирмаса, шартнома навбатдаги беш йилга ўз кучида қолади ва аҳдлашувчи олий томонлардан бири шу беш йиллик тугашига бир йил қолганда шартнома кучини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма огоҳлантириш бермагунига қадар шу тақлидда яна беш йилга узайтирилаверади.

15-МОДДА

Ушбу шартнома ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари айирбошланган куни кучга киради. Ратификация ёрлиқлари мумкин қадар қиска фурсат ичида Аддис-Абебада айирбошланади.

Ушбу шартнома ҳар бири рус, анҳар ва инглиз тилларида икки нусхада тузилган ва ҳамма текстлари бир хил кучга эга.

Москва шаҳрида 1978 йил 20 ноябрида тузилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ

Социалистик Эфиопия номидан
Менгисту Хайле Мариам

КРЕМЛДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 18 ноябрда Кремлда Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан суҳбатлашди.

Кеча бўлиб ўтган Совет—Эфиопия музокараларини ривожлантириб, ҳар иккала мамлакат ўртасида турли соҳаларда дўстона ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди. Совет Иттифоқи ва Эфиопия халқларининг тинчлик ва социал тараққиёт иши манфаатлари йўлида улар ўртасида самарали алоқаларни янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий тадбирлар муҳокама қилинди. Ҳар иккала томон Москвада олиб борилган музокаралар Совет—Эфиопия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Конструктив суҳбат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. У 20 ноябрь куни Москвадан Тошкентга келди.

Тошкент аэропорти Социалистик Эфиопия, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан, анҳар, рус ва ўзбек тилларидаги табрик транспарантлари билан безатилган. Самолёт пиллапояси ёнида меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Олий Совет депутатлари, республика министрлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари табриклаб турдилар, болалар унга гуллар тақдим этишди.

(ЎзТАГ).

МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ ТОШКЕНТДА

Д Ў С Т О Н А У Ч Р А Ш У В

КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш ва Социалистик Эфиопия Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан учрашди.

Менгисту Хайле Мариам Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашнинг миллий иқтисоднини юксалтириш, мамлакат тараққиёпарвар кучларини янада жипслаштириш, меҳнаткашларни Эфиопия революцияси вазифаларини бажаришга сафарбар этиш борасидаги фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Б. Н. Пономарев СССРдаги коммунистик бунёдкорликнинг турли босқичларида КПССнинг раҳбарлик роли тўғрисида, экономикани социалистик негизда қайта қуриш ва ривожлантириш, партия ва халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал этиш тажрибаси ҳақида гапирди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский қатнашди.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» МУХБИРИ САВОЛИГА ЖАВОБИ

Савол: Эронда бўлаётган воқеаларга Ғарб давлатларининг, айниқса АҚШнинг аралашуви тўғрисида ва ҳатто улар томонидан ҳарбий аралашув эҳтимоли борлиги ҳақида чет эл матбуотида пайдо бўлган хабарлар хусусида сиз нима дейсиз?

Жавоб: Дарҳақиқат, шундай хабарлар, жумладан, баъзи бир давлатлар томонидан ҳарбий аралашув эҳтимоли борлиги тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлмоқда. Тилга олинаётган давлатларнинг расмий кишилари, аслида бундай хабарларни рад қилмаётганликлари эътибордан четда қололмайди. Гарчи улар Эроннинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларни рад этаётган бўлсалар ҳам, чунончи яқинда АҚШ президенти шундай қилди, аммо шу заҳотиёқ тегишли баҳона билан бундай аралашув эҳтимолини мутлақо истисно этмайдиган писандалар қилмоқдалар.

Эрон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларида бўлиб келаётган Совет Иттифоқи Эроннинг ички ишларига ташқаридан ким томондан бўлмасин, қандай баҳона билан бўлмасин ҳар қандай шаклдаги аралашувга қарши эканлигини қатъий қилиб айтади. Бу мамлакатда нуқул ички тарздаги воқеалар содир бўлмоқда, шу сабабли бу воқеалар билан боғлиқ бўлган масалаларни эронликларнинг ўзлари ҳал этишлари лозим. Бу ўринда ҳамма давлатлар БМТ Уставига ҳамда бошқа бир қанча энг муҳим халқаро ҳужжатларга асос қилиб олинган принципларга риоя этишлари лозим, Эроннинг, Эрон халқининг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилишлари керак.

Шу нарса ҳам равшан бўлмоғи лозимки, Совет Иттифоқи билан бевосита чегарадош давлат бўлган Эроннинг ишларига ҳар қандай аралашувни ва айниқса ҳарбий аралашувни СССР ўз хавфсизлиги манфаатларига дахлдор деб билган бўлур эди.

(«Правда» 19 ноябрь.)

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАР

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси, подполковник Менгисту Хайле Мариам 20 ноябрь куни Москвадан Тошкентга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Социалистик Эфиопия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида самолёт зинапояси ёнида Менгисту Хайле Мариамни самимий кузатиб қолдилар.

Менгисту Хайле Мариамни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари Т. Б. Гуженко, В. П. Елютин, Б. К. Месяц, Иқтисодий ҳамкорлик давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, СССР министрларининг ўринбосарлари Л. Ф. Ильичев, Ю. Г. Мамсуров, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. М. Коломин, СССРнинг Социалистик Эфиопиядаги элчиси Б. Е. Кирнасовский, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров ва бошқа расмий кишилар ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродромда бир қанча мамлакатларнинг СССРдаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари, Социалистик Эфиопиянинг СССРдаги элчихонаси дипломатик ходимлари, Москва олий ўқув юртларида ўқиётган эфиопиялик студентлар, пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари бор эди.

Учиш майдонида Қуролли Кучлар уч турининг — қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳарбий Денгиз Флоти фахрий қоровули саф тортди. Л. И. Брежнев билан Менгисту Хайле Мариам совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Социалистик Эфиопия ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Менгисту Хайле Мариамнинг сафарида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Е. Поляков ва бошқа расмий кишилар унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

(ТАСС).

ШОИР ХОТИРАСИ

20 ноябрь куни Тошкентда таниқли шоир, драматург, публицист ва олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саҳнъат арбоби Мақсуд Шайхзода туғилган кунинг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия кечани очди. Республика ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Рамз Бобожон Мақсуд Шайхзода тўғрисида доклад қилди.

Кечада сўзга чиққан филология фанлари доктори З. С. Кедрина (Москва.) Озарбайжон шоири ва таржимон, филология фанлари кандидати Ҳалил Ризо, қозоқ шоири Туманбой Мулдагалиев, туркман драматурги Гусейн Мухторов, тожик ёзувчиси, филология фанлари доктори Расул Ходизода, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг студенти Муборак Мирзаева Шайхзода асарлари совет адабиётида ёрқин саҳифа эканлиги, кўпгина ёш шоирлар ва прозаиклар учун ўзига хос дарслик бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирдилар. Интернационалист шоир Шайхзода рус ва жаҳон классик адабиёти асарларини ўзбек тилига ағдарадиган таржимон сифатида ҳам, кўпгина илмий, танқидий ва публицистик мақолалар, монографияларнинг муаллифи сифатида ҳам кенг машҳур эди. Унинг ҳаёти ва ижодиёти, деб таъкидланди кечада, халққа садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 20 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

КАШКАДАРЁ	0,20	104,72	0,18	101,99
БУХОРО	0,10	103,48	0,12	105,51
НАМАНГАН	0,09	101,40	0,07	107,77
ЖИЗЗАХ	0,52	100,69	0,02	103,13
Фарғона	0,28	99,29	0,34	89,98
Андижон	0,40	98,00	0,11	103,52
Сурхондарё	0,36	97,40	0,30	97,71
Тошкент	0,60	96,33	0,71	94,15
Самарқанд	0,60	91,03	0,77	98,87
Сирдарё	0,41	85,31	0,07	83,41
Хоразм	0,34	83,13	0,38	94,98
ҚҚАССР	0,69	71,50	0,66	72,30
Республика бўйича:	0,37	94,91	0,32	96,31
Шу жумладан нигичка толали пахта				
БУХОРО	0,37	105,02		
Наманган	0,33	92,42		
Қашқадарё	0,42	90,82		
Сурхондарё	0,57	87,19		
Республика бўйича:	0,51	89,85		

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги область ва районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Наманган области — область партия комитетининг секретари Ўртоқ М. К. Камолов, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ М. Обидшоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ М. Мадмусаев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи Ўртоқ А. Омонов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти область ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси Ўртоқ Ю. В. Тимофеичев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Н. Тургунов, область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ У. Эминов;

Жиззах области — область партия комитетининг секретари Ўртоқ Т. Б. Бойминов, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Э. Исломов, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ М. Милиев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи Ўртоқ Қ. Шодиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти область ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси Ўртоқ А. Г. Лаврентьев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ А. Г. Собиров, область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ З. К. Болтабоева;

Фрунзе райони — район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ҳамролиев, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Хўжаев, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Мирсодиқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Раҳимов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ Аъзамов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Нўлдошев.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТЧИЛАРИГА—НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Ўзбекистон кооператорлари савдо-сотиқнинг моддий-техника базасини ривожлантириш кенг программасини амалга оширмоқдалар, қишлоқ меҳнатчиларига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшиламоқдалар. Республикалар Матлубот кооперацияси союзлари правлениелари раисларининг 19 ноябрь куни Тошкентда очилган семинар-кенгаши савдо ва умумий овқатланишни яхши йўлга қўйиш тажрибасига, қишлоқ аҳолисига хизмат қилишнинг илғор форма ва методларини жорий этишга бағишланди. Семинар-кенгашда СССР Центросоюзининг масъул ходимлари ҳам қатнашмоқдалар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкентда «Ўзбекбирлашув»нинг бош ҳисоблаш маркази иши, матлубот кооперацияси музейи билан танишдилар. Сўнгра улар Коммунистик, Оржоникидзе ва Калинин районлари савдо марказларида, «Политотдел» ва «Ленинский путь» колхозларининг агрошаҳарчаларида бўлдилар. Кооператорлар ташкил этган йирик бўрдоқичилик чорвачилик фермалари тажрибаси семинар қатнашчиларини айниқса қизиқтирди. Улар ана шундай фермаларнинг бири — Чўпонота фермасининг ишини ўргандилар.

20 ноябрь куни республикалар матлубот союзлари правлениеларининг раислари Андижонга бориб, мавжуд магазинларни қайта қуриш асосида барпо қилинган қишлоқ савдо марказларини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар Булоқбоши посёлкасидаги намонавий савдо комплексига юқори баҳо бердилар, бу комплекса универмаг, «Техника», «Болалар дунёси», «Мебель», «Хўжалик моллари» магазинлари киради.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, СССР Центросоюзи раиси А. А. Смирнов, «Советская торговля» газетасининг бош редактори В. Я. Пушкарев қатнашмоқдалар.

Семинар-кенгаш ўз ишини Фарғона ва Самарқанд областларида давом эттиради. У беш кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАЛАБЧАН ТАНҚИД РУҲИ

Косон районидаги Ленин номли совхоз меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда йил сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Пахтакорлар бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш планини Қашқадарё областида биринчилар қаторида бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга ҳозиргача 6300 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Умуман олганда ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида халқ хўжалик планидагига нисбатан 3900 тонна кўп пахта тайёрланди. Бошқа тармоқлар ҳам ривожланмоқда.

— Бу муваффақиятларга партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар савияси муттасил оширилаётганлиги туфайли эришилмоқда. — деди партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида партия комитетининг секретари О. Амирқулова. — Ҳисобот даврида ташкилотимиз сон жиҳатдан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, партия йиғилишларининг роли ва аҳамиятини кўтариш, коммунистларни партия ва давлат интизомига риоя қилиш руҳида тарбиялаш соҳасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Ҳисобот даврида 13 киши партия сафига қабул қилинди. Уларнинг 90 проценти комсомоллардир. Ёш коммунистлар билан ишлаш партия комитети ва цех партия ташкилотларининг доимий эътиборида. Партия топшириқларининг ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Совхоз партия комитети КПСС XXV съезди кўрсатмаларига амал қилиб, коммунистлар онгига марксизм-ленинизм назариясини сингдириш, меҳнаткашларга сиёсий ва иқтисодий билим бериш, аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш учун қатор тадбирларни амалга оширди. 53 коммунист марксизм-ленинизм асосларини ўрганмоқда. 15 жойда иқтисодий ўқиш ташкил этилган. 66 агитатор, 15 сиёсий ахборотчи, 39 сиёсий ташкилотчи ва «Билим» жамиятининг 20 аъзоси совхоз меҳнаткашлари ўртасида доимий иш олиб бормоқдалар.

Соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида эришилган ютуқлар билан бирга партия ташкилоти олдига қўйилган баъзи вазифалар тўла амалга оширилмаганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Докладчи ҳам, нотиқлар ҳам бу камчиликларни принципиаллик билан очиб ташладилар. Уларни тугатиш юзасидан қимматли таклифлар киритилди. Партия комитети фаолиятидаги камчиликлар партиявий раҳбарлик ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ҳам шу кун талаблари даражасида эмаслигида, баъзи цех партия ташкилотлари етарли активлик кўрсатмаётганлигида, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савияси ҳамма вақт ҳам кўпгилдагидек бўлмаётганлигида, имконият ва резервлардан тўла фойдаланилмаётганлигида айниқса сезилмоқда.

Йиғилишда коммунистлар эътиборни пахта ҳосилдорлиги секинлик билан ўсаётганлигига, чорвачилик жадал ривожланмаётганлигига, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганига, рентабелликни ошириш, иқтисодий масалалар билан жиддий шуғулланиш зарурлигига қаратдилар. Йиғилиш қатнашчилари цех партия ташкилотининг секретари Г. Кондратенконинг сўзини эътибор билан тингладилар. У партия комитети амалга оширган ишларни таъкидлар экан, бундай деди:

— Совхозда пахта етиштиришни ўртача 9-10 минг тоннага етказиш имкони бор. Лекин бу имкониятлар тўла ишга солинмаяпти. Аввало, ҳосилдорликни ошириш лозим. Бўлим ва бригадаларда бир хил шароитда турли хил натижаларга эришилмоқда. Механизациядан ҳали ҳам етарли фойдаланилмаяпти. Қишлоқ хўжалигидаги қўлгина ишлар қўл кучи билан бажарилмоқда. Оқибатда пахта ва бошқа маҳсулотларнинг таннархи қиммат, рентабеллиги пастлигича қолмоқда. Ортиқча харажатларга йўл қўйилаётир. Биргина мисол: хўжаликнинг асосий майдонларидаги экинлар насослар ёрдамида суғорилади. Ана шу насосларни электр билан ишлатиш имкони борлигига қарамай, ҳали ҳам кўплаб ёнилғи сарф қилинаётир. Қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш ҳам катта резервдир. Партия комитети коммунистларнинг эътиборини ана шу масалаларга қаратиши лозим.

Бўлим бошқарувчиси Қўлдош Давлатов ҳам эътиборни пахтачиликни ривожлантириш резервларига қаратди. Далалар карталанмаганлиги туфайли, — деди у, — ҳамма майдонлардан тўлиқ фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти. Кўпгина бригадаларда дала шийпонларининг аҳволи талабга жавоб бермайди. Қишлоқларни йириклаштириш ва типовой план асосида қайта қуриш секинлик билан бормоқда.

— Менга 15 бош сигир биркитиб берилган, — деди сут соғувчи Қурбоной Чориева. — Бу йил уларнинг ҳар биридан 3500 килограммдан сут соғиб олмоқчиман. Мажбуриятимни албатта, бажараман. Аммо, ишимизнинг ҳаммаси мени ҳам, ҳамкасбларимни ҳам қаноатлантирмайди. Негаки, иш унумдорлиги паст. Бунга ферма механизациялаштирилмаганлиги, деярли барча ишлар қўл кучи билан бажарилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Маҳсулот таннархининг ҳали ҳам қимматлигига асосан сабаб шу. Партия комитети бу масала билан жиддий шуғулланиши керак.

Пиллачи Қамбар Ғуломова совхозда 50 қути қурт боқиладиган комплекс ишга туширилганлигини, бу меҳнат шароитини ҳам, иш унумдорлигини ҳам яхшилаганлигини айтди. Лекин бу ҳали етарли эмас, деди у. Ипак қурти боқиш даврида пиллакорлар бинолар етишмаслиги учун жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар, югур-югур, сарф-харажатлар кўпайиб кетмоқда.

Қурбон Очилов, Назокат Усмонова ва бошқа коммунистлар йиғим-терим ишларини механизациялаш даражаси пастлигини, турмуш маданиятини яхшилаш учун етарли иш қилинмаётганлигини айтиб, партия комитети ва коммунистларнинг эътиборини бу масалаларни тезда ҳал қилиш учун жиддий иш олиб бориш зарурлигига қаратдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Т. Н. Осетров қатнашди ва нутқ сўзлади. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғойибов иштирок этди.

Ҳ. СУННАТОВ.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли электрон техника заводи токари А. Вдовиннинг меҳнат фаолияти бошланганига 32 йил бўлди. У оддий ишчилиндан юқори малакали мастер, ёшларнинг энг яхши мураббийси даражасигача ўсиб етишди. Суратда: (чапда) Ленин орденли токарь А. Вдовин насбдошлари В. Дуйкин ва Д. Минеевлар билан.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

мусобақа йўналишлари

КАЛЕНДАРДА — 1982 ЙИЛ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова республикамизнинг ўн нафар ишчиси қаторида бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиққан эди. У яқинда, олти йилга мўлжалланган планни бажаришга муваффақ бўлди. Пландаги 68.824 килограмм ўрнига 68.834 килограмм трикотаж материал тайёрлади. Барча маҳсулотларнинг 94,9 процентини биринчи сортга топширди.

Ташаббускор ишчи шу кунларда 1982 йил ҳисобига ишлаяпти.

АРАФАДА

Самарқанд суперфосфат заводининг иккинчи навбати қурилишида суръат кундан-кунга ошмоқда. «Ишчи эстафетаси» асосида мусобақалашаётган бинокорлар биринчи бўлиб олтингугурт комплексини фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Ҳозир бу ерда созлаш ишлари поёнига етказилмоқда. Юксак унумли замонавий ускуналар билан жиҳозланган комплекс йилига 450 минг тоннагача олтингугурт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Узаро мусобақада «Самарқандхимстрой», «Ўзэлектромонтаж», «Ўзсталконструкция» трестларининг коллективлари байроқдорлик қилишяпти. Ҳозир бинокорлар ва монтажчиларнинг бутун диққат-эътибори комплексни тезроқ ишга туширишга ҳамда аммофос ва фосфор кислотаси қувватларида қурилиш суръатини жадаллаштиришга қаратилган.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўрқ» асарига бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказилди. Партия сиёсий маорифи ўқуви программасидаги мазкур конференцияда бир қанча қизиқарли докладлар тингланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори М. Ҳайруллаевнинг «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўрқ» асари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига партиявий раҳбарликни такомиллаштиришда ва совет кишиларини ғоявий-сиёсий тарбиялашда унинг аҳамияти» мавзуидаги доклади конференция қатнашчиларида айниқса катта қизиқиш уйғотди.

ТАНИШИНГ: СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ФАХР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига қарашли Тошкентдаги Меҳнат Қизил байроқ ордени тажриба ремонт-механика заводи дарвозасидан ҳатлашимиз билан кўзимиз чўғдек «Молния»га тушди: «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан токаримиз Юсуфжон Маҳмуджоновга прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этиш асосида меҳнатда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги учун 1978 йилги СССР Давлат мукофоти берилди!» Завод коллективи социалистик мусобақа ғолиби, машъал ишчини ушбу юксак унвон билан чин қалбдан табриклайди!»

Биз корхона цехларида бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашдик. Уларга янги лауреат ҳақида ёзмоқчи эканлигимизни айтганимизда, ишчиларнинг бари — бири олиб, бири қўйиб Ю. Маҳмуджоновнинг инсоний хислатлари, фидокорлиги, ўз коллективига меҳр-муҳаббати, изланувчанлигидан узоқ сўзлашди. Бу илиқ, самимий фикрларни хаёлимизда қизил ипга тизганимизда оддий, аммо меҳнатсевар ишчининг характеристикаси яратилганлигини сездик. Шунда ҳеч нимани бўямай, бўрттирмай касбдош дўстларининг гапларини айнан келтиришга қарор қилдик.

П. БУЗОВЕРОВ,
шлифовкачи:

— Юсуфжонни 1958 йилдан бери, яъни корхонамизга келган биринчи кунидан биламан. У пайтда заводимиз «Куйлюксельмаш» деб аталарди. Ўшанда Юсуфжон 36 ёшда эди. Суҳбатларнинг бирида У.уғ Ватан урушигача колхозчилик қилганини, педагогика билим юртида озроқ таҳсил кўрганини, урушдан сўнг эса кон техникумини битирганини, бизга келгунча кон-техника инспектори лавозимида ишлаганини билиб олдим. Шунда бу йигитдан кўнглим бироз қолди. Ахир, ҳаётнинг озми-кўпми аччиқ-чучугини тотган, оилали, касб-кори аниқ бир киши бирдан бошқа йўлдан кетса, шогирд тушса — таажжубланмай, ҳайфа бўлмай бўладими? Аммо янглишган эканман. Юсуфжон ўз бахтини, ўз иқболини фақат ишчи бўлиш орқалигина қўлга киритиш мумкинлигини кеч бўлса-да тушунганлигини, «темир-терсак»ларсиз туролмаслигини пайқадим. Ҳа, унинг ўрни ишчиликда экан. Юсуфжон жуда қисқа вақтда коллективимиз оғзига тушди. Токарлик касбини миридан-сиригача мукаммал эгаллаб, мусобақа пешқадамлари қаторидан ўрин олди. Унинг токарлик дастгоҳини қандай бошқаришини бир кўрсангиз эди! Ишлаганда ҳам ўт бўлиб, олов бўлиб, юксак маҳорат билан самарали ишлайди. Шунчаки, кўр-кўрона эмас. Корхонамиз тажриба заводи бўлганлигидан кўпгина янги ҳил деталларни ўзимиз тайёрлаймиз. Мана шундай пайтларда Юсуфжоннинг ўткир кўзи, теран ақли, бой тажрибаси жуда асқотади. У зарурат туғилса, деталь чизмаларига ўзгартишлар ва янгиликлар киритади.

Мусобақадошларнинг кўрсаткичлари тахтасига эътибор бердингизми? Маҳмуджонов фамилияси рўпарасида 185, 190 ва ҳатто 200 процент, деган рақамлар турибди. У беш йиллик шахсий планини шу йил 4 октябрда бажарган. Ҳозир 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Унинг ниятя яна бир беш йилликни уддалаш.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
токарь:

— Бу заводда 1975 йилдан бери ишлаб келяпман. Менинг биринчи устозим ва мураббийим Юсуфжон ака бўлганлиги билан чексиз фахрланаман. У киши менга ўхшаш шогирдлардан ўндан зиёдига таълим берди. Таллаган касбимизни севишга ўргатди. Устоз биз ёш ишчиларга ишларининг қимматли маслаҳатлари, шахсий ибратлари билан ҳамон ёрдам бериб келмоқдалар. Биз шу пайтгача Юсуфжон акадан дастгоҳдан унумли фойдаланиш сирларини, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берувчи, маҳсулот сифатини яхшилаб эҳтиёт қисмлар ва хом ашё сарфини камайтирувчи мосламалар яратишни ўрганмоқдамиз. Шундай одамнинг шогирдларини қолоқлар сафида тасаввур қилиш мумкинми?! Асло! Ҳозир биз ҳаммамиз план топшириқларини 1,5 баравар адо этишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Н. АЛИМОВ, мотор цехи бошлиғи:

— Ҳозирги илғор ишчи ижодкор, изланувчан новатор ҳамдир. Негаки, биргина маҳоратнинг ўзи билан ҳар куни, ҳар ой планни икки баравар бажариб, ҳамиша олға интилиб бўлмайди. Шунинг учун доим янгиликка интилиш керак Юсуфжон эса новатор ишчидир. Энг актив рационализаторларимиздан ҳисобланади. Токарь Маҳмуджонов меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда оғир иш жараёнларини механизациялашга қаратилган 13 та ихтирочилик таклифининг муаллифи. Бир мисол келтирай. У — шатун қуйи головкасини олмос қайроқ ёрдамида қайта тиклаш усули. Илгари ремонтга келтирилган трактор двигателларининг кўпгина шатунлари ташлаб юборилиб, янгилари ўрнатиларди Маҳмуджоновнинг таклифи жорий этилгач, янги шатун ишлатиш 38 процент камайиб, бир йилнинг ўзида 22 минг сўм иқтисодий самара кўрилди. Шуниси қувончлиги, бу усул республикамиздаги барча турдош корхоналарда, қардош Озарбайжон ва Тожикистонинг «Сельхозтехника» заводларида кенг қўлланилмоқда.

* * *

Ҳамкасб дўстларининг Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Юсуфжон Маҳмуджонов тўғрисидаги гапларида битта умумий хулоса бор эди:

— У софдил, ҳалол, виждонан меҳнат қилади. Ўз касбини эъзозлаб, ардоқлайди.

Дарвоқе, шундай. Булар илғор ишчидаги энг ажойиб хислатлардир.

С. ИБРОҲИМОВ,
Э. САЪДУЛЛАЕВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА ХАЛҚАРО ОБЗОР

«КИЧИК ЕР» КИТОБЧАСИ ШРИ ЛАНКАДА НАШР ЭТИЛДИ

КОЛОМБО. (ТАСС). Шри Ланка Республикасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» эсдаликлари кўп нусхада нашр этилди. Шри-Ланкалик машҳур ёзувчи Г. Витане китобга ёзган кириш сўзида гитлерчилар фашизмини тор-мор келтиришда совет халқи ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини эслатиб ўтади. Л. И. Брежнев, деб ёзади у, ўзи бевосита иштирок этган, қалбларимизни ва ақл-идрокимизни ҳаяжонлантирадиган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиш билангина кифояланиб қолмай, совет кишиларининг қаҳрамонлиги, олижаноблигини ҳам кўрсатиб берган, уларнинг кўплари фашист агрессорларга қарши курашда жонларини фидо этдилар. Л. И. Брежнев эсдаликлари дилимизга бориб етиш билан бирга, фикрларимиз ва қарашларимизга таъсир ҳам ўтказади. Л. И. Брежнев жаҳон тарихига мисленз қаҳрамонлик намунаси бўлиб кирган Улуғ Ватан урушининг энг муҳим жангларидан бири тўғрисида ҳикоя қилиш билан бирга, айни пайтда тинчлик учун, уруш хавфини батамом йўқотиш учун янада активроқ курашга бизни даъват этади.

Шри Ланка жамоатчилиги бу ерда «Кичик ер»нинг нашр этилишини зўр қизиқиш билан кутиб олди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОВЕТ ТЕХНИКАСИ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқ хўжалик авиацияси Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган юзинчи вертолётни олди. СССРнинг авиация техникаси Венгриянинг қишлоқ хўжалик кооперативларида ва давлат хўжаликларида тобора кенг қўлланилмоқда. Венгрия авиаторлари Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган вертолётлар ва самолётлар ёрдамида шу йилнинг ўзидагина 4,2 минг гектар экинзорга дори сепдилар.

Усимликларни химиявий воситалар билан ҳимоя қилиш— Венгриянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу соҳада анчагина натижаларга эришилди. Ҳозирги вақтда 10 миллион гектар майдондаги экинзорлар, боғлар ва токларга дори сепилмоқда.

«ХИРАНА» БИРЛАШМАСИ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

ПРАГА. Бу йил Чехословакиянинг Стара Тура шаҳридаги ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси Совет Иттифоқига 300 миллион кроналик ҳар хил медицина асбоблари юборади. Замонавий рентген ва тиш даволаш асбоблари, анестезиологик приборлар, инъекция техникаси булар орасида асосий ўринни эгаллайди.

«Хирана» савдо-ишлаб чиқариш бўлимининг мудири В. Трефилек ТАСС мухбирига бундай деди: Бирлашмамизнинг чет эллардаги шериклари орасида бир неча йилларидан бери СССР биринчи ўринда турибди. Ҳозирги вақтда қардош социализм мамлакатлари учун мўлжалланган бутун маҳсулотнинг қариб 40 проценти Совет Иттифоқига юборилмоқда.

ЯНГИ ХЎЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАТИВЛАР

УЛАН-БАТОР. Гоби-Олтой аймоғидаги «Путь к социализму» ва «Правда» қишлоқ хўжалик бирлашмалари «кенгашлари «Тахийн тал» хўжаликлараро кооперативни туздилар. Бу кооперетив чорва моллари учун озуқа тайёрлашга ихтисослаштирилади.

Шу қишлоқ хўжалик бирлашмалари чорвачиликдан жуда катта даромад олаётганлигига қарамай ҳар йили чорва моллари учун ем-хашакни ташиш ва тайёрлашга кўп маблағ сарф қилар эдилар. Автомобиль транспорти ходимлари ем-хашакни баъзан 2 минг километргача йўл босиб, узоқ районлардан ташиб келтирар эдилар.

Кооперативларнинг куч-ғайратини бирлаштириш натижасида озуқа тайёрлаш анча арзонлашади, бу эса хўжаликларнинг рентабеллигини оширишга, хўжаликлар экономикасининг асосий тармоғи—чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришга ёрдам беради.

ТРАКТОРСОЗЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПХЕНЬЯН. Кимсон трактор заводида бундан роса 20 йил муқаддам — 1958 йилнинг 14 ноябрь кунида халқ Кореясида биринчи трактор ишлаб чиқарилган эди.

Кимсон трактор заводи ўша пайтдан бери республикада тракторсозликнинг асосий базасига айланди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу завод ҳар йили «Чхонлима» «Пхуннем», «Чучхе» маркали йилдиракли ва ўрмаловчи ўн мингдаб трактор, кучли бульдозерлар ишлаб чиқармоқда. Бу тракторлар ва бульдозерлардан мамлакат далалари ва қурилишларида фойдаланилмоқда, шунингдек, улар чет элларга юборилмоқда. (ТАСС).

БОСМАХОНА ХОДИМЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ, 21 ноябрь. (ТАСС). Мамлакат жанубидаги энг катта шаҳар — Хошимин полиграфия саноати энди ранг-баранг буклетлар, календарлар, открытка тўпламлари, ўнлаб газета ва журналлар, Вьетнам ёзувчиларининг, жаҳон адабиёти классикларининг чиройли безатилган асарларини чиқармоқда. Ҳозир бу тармоқ шаҳардаги етаричи тармоқлар қаторида турибди. Қўғирчоқ режим вақтида ишлаб келган мингдан ортиқ майда тарқоқ босмахона ўрнига ҳозирги вақтда 30 та давлат корхонаси ва кооператив бирлашма тузилди.

Хошимин босмахоналарининг маҳсулоти дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. (ТАСС).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ВА СОХТА ҲИМОЯЧИЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари комитетининг яқинда Женевада ўз ишини тамомлаган бешинчи сессияси жаҳон жамоатчилиги ғарб мамлакатларида гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларга қўпол равишда бузилаётганига қарши гобора қатъият билан ҳаракат қилаётган бир вазиятда ўтди. АҚШда мамлакатнинг барча гражданларига энг оддий ҳуқуқлар ва эркинликлар беришни, америкалик негрларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни талаб қилишга «журъат этган» ўн мингдаб сиёсий маҳбуслар қамоқхоналарда азоб чекиб ётибди. ГФРда прогрессив кучларга қарши қаратилган «ишлашни тақиқлаш» деган конституцияга хилоф шармандали практика давом этмоқда. Исроил маъмурлари оккупация қилиб олинган ерлардаги араб ватанпарварларига қарши жабр-зулмни кучайтирмоқдалар...

Капиталистик дунёда инсон ор-номусига тажовуз қилишнинг ана шундай ҳар хил турлари рўйхатини давом эттириш мумкин. Қўшма Штатларнинг маъмурлари ўзларини бутун дунёда инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячилари» деб кўрсатишга уринмоқдалар. Ҳолбуки, Қўшма Штатларнинг ўзида, шунингдек бошқа ғарб мамлакатларида виждон ва сўз эркинлиги, эркаклар билан аёлларнинг тенглиги таъминланмаётганлигини, кичик миллатлар вакиллари камситилаётганлигини, бошқача фикрдаги кишилар, гражданлик эркинликлари учун курашчилар тақиб қилинаётганлигини кўрсатувчи фактлар жуда кўп. Чамаси Вашингтон гражданлик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни шу пайтгача ҳам ратификация қилмаганлиги бежиз эмас. Инсон ҳуқуқлари комитетининг Женевадаги мажлисларида ана шу ҳужжат қоидалари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида гап бўлди. Пакт 1976 йил мартида кучга кирган, айни вақтда Женева комитети ҳам тузилган эди.

Совет Иттифоқининг докладини муҳокама қилиш бу галги сессиянинг асосий воқеаси бўлди. Бизнинг мамлакатимиз буюк давлатлар орасида биринчи бўлиб халқаро пактни ратификация қилди, унинг кучга кириши совет қонунларига бирон бир ўзгариш ёки қўшимча киритишни талаб қилмади, чунки СССР Конституциясида ҳам, шунингдек бошқа қонун актларида ҳам шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига даҳлдор бўлган ана шу халқаро битимнинг ҳамма қоидалари ифодаланган ва мустаҳкамланган. Бунинг устига совет қонунларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишни гарантиялашга асосий эътибор берилган.

Совет докладида шу нарса уқтириб ўтилдики, маскур ҳуқуқлар фақат тинчлик шароитидагина рўёбга чиқарилиши мумкин, шу боисдан ҳам СССР изчил тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказиб келмоқда, кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш учун, ялписига ва батамом қуролсизланиш учун курашмоқда.

Доклад ва совет делегатларининг шу хусусдаги изоҳлари, инсон ҳуқукларининг социалистик концепцияси тўғрисидаги кўпдан-кўп саволларга қайтарган жавоблари мажлис қатнашчиларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. СССР доклади БМТ нашрларида эълон қилиш учун тавсия этилди. Женевадаги комитет бешинчи сессиясининг бутун иши инсон ҳуқуқлари тўғрисида ким ҳақиқатан ҳам ғамхўрлик қилаётганлиги, кимлар эса қуруқ баёнотлар беришдан ва бошқаларга бўҳтон ёғдириб ҳужум қилишдан нари ўтмай, кун сайин ана шу ҳуқуқларни қўпол равишда бузаётганини яққол кўрсатди.

ИРҚЧИЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ БАРБОД ЭТИЛСИН

Жанубий Африка ирқчиларининг Намибия теварагидаги найранглари Африкадаги вазиятни тобора кўпроқ чигаллаштирмоқда. Ирқчилар шу мамлакатда декабрь ойининг бошларида ўз назорати остида «сайлов» ўтказиб, у ердаги қўкимият тепасига қўғирчоқ режимни чиқариб қўйиш ниятида эканликларини айтгач, Жанубий Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) фаолиятини бостириш учун армия ва полиция юборди. Бу тақиқлот Намибиянинг чинакам мустақиллиги учун курашмоқда ва мамлакат африкалик аҳолисининг жуда кўпчилиги уни қўллаб-қувватламоқда.

Айни вақтда Жанубий Африка Республикасининг ҳарбийлари СВАПОни «четлаштириш» баҳонаси билан Ангола Халқ Республикасига қарши яна агрессия бошлашга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар. Намибия — Ангола чегарасида ирқчиларнинг қўшинлари тўпланмоқда. Жанубий Африка самолётлари Ангола территорияси гепасида разведка мақсадида учиб юрипти, чегарадаги аҳоли пунктларини ва намибиялик қочоқларнинг лагерларини игвогарлик ниятида ўққа тутмоқда. Жанубий Африка Республикаси ва унинг ғарбдаги иттифоқчилари Анголага қарши игвогарлик қилиш орқали шу мамлакат халқини Африка Жанубидаги миллий озодлик ҳаракатларига, шу жумладан СВАПОга ёрдам беришдан воз кечишга мажбур этишга ва Ангола Халқ Республикасида илғор ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга халақит беришга беҳуда уринмоқдалар.

Шу боисдан ҳам ирқчиларнинг ҳарбий тайёргарликлари Африкада жиддий безовталик ва ташвиш уйғотмоқда. БМТдаги бир гуруҳ Африка мамлакатлари яқинда баёнот бериб, Преториянинг Ангола давлатига путур етказишга ва Намибиядаги мазлум африкалик кўпчиликнинг одилона озодлик курашини бостиришга қаратилган сиёсатини кескин танқид қилди. Африка давлатлари жаҳон ҳамжамиятининг норозиликларига қарамай ирқчи Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий потенциалини кучайтиришга тинимсиз ёрдам бераётган ва Намибиянинг келажагини янги мустамлакачилик тарзида ҳал этишни рағбатлантираётган Ғарб давлатларининг сиёсатини ҳам қораладилар.

Шу билан бирга БМТ Хавфсизлик Кенгаши Преториянинг ирқчилар томонидан қонунга зиддий равишда оккупация қилиб олинган Намибия территориясида «сайлов» ўтказишга бир ёқлама тарзда киришишга қарор берганлигини қоралади. Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган резолюцияда бу «сайлов»нинг натижалари ҳақиқий бўлмайди, деб уқтирилади. Ҳужжатда шу нарса таъкидланадики, башарти Жанубий Африка Республикасининг маъмурлари «сайлов»ни бекор қилмасалар, у ҳолда Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олган ана шу органи қарорларини бажаришга Преторияни мажбур этиш учун чора кўриш мақсадида тўпланишдан бошқа иложи қолмайди.

Е. БАБЕНКО,
С. КУЛИК.
(ТАСС).

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЛЁТИ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон область партия комитетининг сиёсий маориф уйида республика пропагандистларининг биринчи слёти бўлиб ўтди. Слётга шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, пропагандистлар, «Билим» жамиятининг лекторлари, сиёсий докладчилар, шунингдек сиёсий ташкилотчилар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар иштирок этдилар.

Слётда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов «Л. И. Брежневнинг «Қўрқ» асари илҳомлантирувчи, қудратли, битмас-туганмас манба» деган темада доклад қилди.

Шундан кейин Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари Қ. Юсуповнинг «Пропагандист — КПСС сиёсатини амалга оширишда актив қурашчи, меҳнаткашларнинг ташкилотчиси ва сиёсий тарбиячи» деган мавзудаги доклади тингланди.

Слётда Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва автоном республика Министрлар Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: газетхон Х. Кўшоқсвинни Зомин район «Юбилей» совхозида молия-хўжалик интизоми бузилаётгани тўғрисидаги сигнали қисман тасдиқланди. Текшириш якунлари область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси Советида муҳокама қилинди ва йўл қўйилган камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Совхозда молия-хўжалик интизоми устидан тегишли назорат ўрнатмаган шахслар қаттиқ жазоланди.

АНГРЕН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: Х. Алматов «Соғлом» посёлкасидаги Предгорний кўчаси асфальт қилинмагани, посёлкада ичимлик сув танқислиги хусусида маълум қилганди. Текширишда хатдаги эътирозлар тўғри бўлиб чиқди. Ҳозир «Соғлом» посёлкасига мунтазам сув етказиб берилмоқда. Перспектив планда икки йилдан сўнг посёлкани водопроводлаштириш кўзда тутилган эди. Лекин шаҳар ижроиия комитети бу муддатни қисқартириш ва тегишли маблағ ажратишни сўраб, «Ташобводоканал» бошқармасига махсус хат билан мурожаат қилди. Предгорний кўчасини асфальтлаш масаласи ҳам ижобий ҳал қилинади.

ЧУСТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ: янгиерлик У. Юнусов хатида таъкидланган камчиликлар тўғри. Ҳақиқатан ҳам шаҳар касалхонаси терапия бўлими врачи М. Каримов беморларни кўриш учун келганлар билан кўпол муомалада бўлган. Ўз хизмат бурчига совуққонлик билан қарагани учун унга сўнгги огоҳлантириш шарти билан қаттиқ выговор берилди. Шифохонада оммавий-тарбиявий ишларни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили Хитой томони ҳар иккала мамлакат ўртасидаги чегара районларида тартибсизлик вужудга келтириш мақсадида Хитой томонидан игвогарлик ҳаракатлари давом эттирилаётганлигига қарши ХХР элчихонаси вакилига қатъий норозилик билдирди.

Вакил таъкидлаб ўтдики, Хитой томони кейинги вақтларда яна Вьетнамда яшовчи хитой миллатига мансуб шахслар ўртасида уруш хавфи тўғрисида овозалар тарқатмоқда, улар ўртасида ваҳима тарқатмоқда ва «зарар кўрган мухожирлар» деган янги баҳонани тўқиб чиқариш учун Хитойга ўтиб кетишга ундамоқда.

● АДАН. Демократик Яман деҳқонлари иттифокининг навбатдан ташқари съезди бу ерда ўз ишини тамомлади. Қабул қилинган резолюцияда иттифоқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳам, шунингдек қишлоқда ижтимоий ислоҳотларни ўтказишда ҳам катта муваффақиятларга эришганлигин уқтириб ўтилади.

Съезд иттифоқнинг раҳбар органларини сайлади ва унинг янги уставини тасдиқлади.

(ТАСС).

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

● Ҳаво тез-тез ўзгариб ёмғир, қорга айланяпти, кун тобора совиб кетяпти. Бутун санъатингизни ишга солиб, ҳаво очиқ келган дамларнинг ҳар дақиқасидан терим суръатини оширишни кўзлаб, саросимага тушмасдан, омилкорлик билан фойдаланинг.

● Пахтамиз 5 миллион 200 минг тоннадан ошиб кетди. Яна бир ғайрат қилсак, 500 минг тонналик маррани эгаллаб, мақсадимизга етамиз. Лекин бу кўп меҳнат талаб қилади. Ҳамма бир бўлиб астойдил ҳаракат қилса юк енгил кўчади, ғалаба марраси тезроқ эгалланади.

● Терилган кўсакларнинг пайкалларда қолиб кетишига йўл қўйманг, кўсак чувиш агрегатларини бостирмалар остида тўла қувват билан ишлатиб, кунлик графикларнинг бажарилишини таъминланг. Ҳамма теримга!

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги Калинин номли колхознинг илғор механизатори Мухторали Нишонов ўз агрегати бункеридан 300 тонна «оқ олтин» тўкди. У бу муваффақиятга терим агрегатини моҳирлик билан ишлатиш туфайли эришди. Суратда: илғор механизатор М. Нишонов.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАММА ДАЛАДА

Энгельс номли колхоз зарбдор йилининг шу кунига қадар давлат тайёрлов пунктига 3.728 тонна пахта топшириб, халқ хўжалик планини 118 процент бажарди, ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерни ташкил этди. Бу унчалик салмоқли кўрсаткич эмас-ку, деган савол туғилиши табиий.

Шуни айтиш керакки, хўжаликнинг ери ҳар хил: соз тупроқли, шағал-тош тупроқли, шўрланган ва ўта шўрланган. Хуллас, пахтадан ўттиз беш центнердан хирмон кўтариш учун ҳар бир бригаданинг ерига хос агротехника тадбирларини ўтказиш талаб этилади. Бунинг устига, ҳар йили сув танқислиги юз беради. Сабаби, Яккабоғ дарёси деҳқончилик қилинадиган ерлар сатҳидан анча пастдан оқади. Ғўза суғориш пайтларида сув иншоотларига насослар ўрнатилиши боиси ҳам шунда.

Бу йилги қийинчиликлар ҳаммасидан ошиб тушди. Яккабоғ райони тоғлар биқинига жойлашган. Шаҳрисабзда булут қўзғалса, Яккабоғда ёмғир қуяди, дейишлари бежиз эмас. Баҳорда областнинг кўпчилик районлари чигит экишни тугаллаб қолганда Яккабоғнинг ерлари, шу жумладан, Энгельс номли колхознинг пахтазорлари энди селгиб етилган эди. Колхоз механизаторлари кунларни тунларга улаб меҳнат қилишди, дақиқаларнинг қадрига етишди, барака уруғи кечикиб қадалишига қарамай, ғўза парваришни кучайтирилиши туфайли пахтадан юқори ҳосил етиштирилди.

Терим юзигандан кизиди. Колхоз кўпрок уруғлик пахта тайёрлайди. Шунинг учун ҳам дастлабки кунларда қўл теримига зўр берилди. Бу боладаги ишлар бажарилгач, «зангори кема»лар ишга солинди. Натижада суръат кўтарила борди. Терим авжига чиққан кунларда колхоз йиллик планнинг беш процентига етказиб пахта топширди. Азамат механизаторлар 1700 тоннага яқин «оқ олтин»ни машиналарда териб берди.

Колхоз раиси Момохол Узоқова хўжаликнинг моҳир раҳбари, мирзшкор пахтакор сифатида юртга танилган. Бу йил ҳам у тиним билмай ишлади, ўзини кўпрок «оқсоқ» участкага урди. Партия ташкилотига таянди, меҳнат аҳлини эъзозлади. Бугунги рекордни эртага нормага айлантириш учун курашди. Айрим ҳолларда қаттиққўллик ҳам қилди. Лекин одамларнинг қалбига йўл топа билди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаати правление учун ҳам, партия ташкилоти учун ҳам муҳим дастуриламал бўлди. Йиғим-терим шу асосда кучайтирилди.

Бугун зарбдорчасига қилинган меҳнатнинг илк самаралари яққол кўзга ташланиб турибди. Муҳаммадали Бойжигитов, Эштемир Хўжамбердиев, Робия Бекмуродова, Ҳолиқул Алиқулов, Рашид Ҳасановлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликда 38-40 центнерлик маррани эгаллади.

Мурожаатда «Йиғим-теримда ҳар бир дақиқани ғаниматдек билиб, бор кучингиз билан ишлангиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, нормаларнинг тўла ва ошириб бажарилишига эришингиз!» дейилади. Колхоз меҳнат аҳли кунларни тунларга улаб ишлаяпти. Яккабоғда тез-тез ёғингарчиликлар бўлиб турибди. Шунга қарамай, терим асло сусайтирилгани йўқ. Имконият бўлиши билан кўсак узадиган агрегатлар пайкалларга киритиляпти. Кўсак усти ёпилган бостирмаларда механизмлар воситасида чувиляпти. Теримчилар унумдор далаларда бир ғайратга ўн ғайрат кўшиб жавлон уряпти. Мақсад битта: жами ҳосилни охирги граммларигача сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш. ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказишдир. Бу марра ҳам эгалланишига шубҳа йўқ. Чунки ҳамма ва ҳар бир кишининг қалбида пахта ишки туғён уряпти.

Механизаторлар ҳосил тақдирини ҳал қиляпти. Мавсум нормасини анча ошириб адо этган Орол Тўланов, Фармон Иброҳимов, Тўра Сафаров, Рустам Раҳмонов каби механизаторлар ҳамон катта карвонга карвонбошилик қилишяпти. Ҳар чанок пахта ҳисобда, ҳар мисқол «оқ олтин» учун кураш кетяпти. Раиса юксак социалистик мажбуриятларини бажарган бригадаларнинг пахтакорларини ардоклаш билан ҳали маррага етмаганлар ёки етиш арафасида турганларни жадал ишлашга чорлаяпти, уларга кўмаклашяпти. Партия ташкилоти илғорлар тажрибасини пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали ҳамманинг мулкига айлантирляпти.

Яккабоғ райони бу йил пахта тайёрлашда илғорлар сафидан ўрин олди, она-Ватанга ўтган йилдагидан 6 минг тонна кўп дурдона армуғон этди, ялпи кўрсаткични 37 минг 500 тоннага етказди.

Мурожаатда таъкидланганидек, ҳозирги вазият тўла сафарбарликни, суръат ва жасоратни икки-уч марта оширишни талаб этмоқда. Пахтани қўлда теришда ҳам, «зангори кема» штурвалини ушлаган тақдиримизда ҳам, пахтани ташиш ва қабул қилишда ҳам уюшқоқлик, фидокорлик намуналарини кўрсатайлик!

Далалардаги қолган ҳосил чамалаб чиқилди. Пахта усталари, тажрибакорлар ҳар гектар ердан яна камида беш-олти центнердан пахта териб олиш мумкин, дейишяпти, механизаторлар ҳам, теримчилар ҳам, кўмакдошлар ҳам шу фикрда. Фурсат кутиб турмайди, табиат деҳқонларга ажратган вақт жуда оз қоляпти. Шунинг учун ғайрат отига қамчи босиш, суръатни сусайтирмаслик керак.

Правление ва партия ташкилоти кенг меҳнаткашлар оммасини теримга тўла сафарбар этди Кекса, ёш, ўсмир — ҳамма этак боғлаб пахта, кўсак теряпти. Механизаторлар техника воситаларини тўла қувват билан ишлатяпти. Ҳар бир теримчи об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, 1 декабргача 500-700 килограммдан пахта териб берамиз, деяпти. Механизаторлар ҳам зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб, шижоат билан ишлаяптилар.

Правление пахтакорлар, ёрдамчиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқда. Иссик овқат, чой, мева, полиз маҳсулотлари — ҳамма нарса муҳайё.

Далалардаги ҳосил ҳаммани ўзига чорламоқда. Терим эса конвейер усулида олиб борилмоқда Пахтаси ва кўсаги тўла йиғиштириб олинган майдонларнинг ғўзапояси тез кунларда юлинади, шу мақсадда механизмлар шайлаб қўйилди. Келаси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратиш ҳам колхозчи деҳқонларнинг диққат марказида бўлмоқда

Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхознинг пахта йиғим-терининг сўнгги боскичидаги ибратли ишларидан ҳам намуна олса арзийди.

Мусо КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Қашқадарё область муҳбири.

Раҳмат ФАИЗИЙ.

ҚУТ-БАРАКА ХИРМОНИ

Публицистика

Азиз пахтакор дўстим, бу йилги пахтани етиштиришдаги ҳар кунги меҳнатингизни жасорат деса арзийди. Пахтачилик тарихида кўрилмаган жасоратингизни эл-юрт билади, дил-дилдан ҳис этади, жуда сидқидилдан қадрлайди. Ана шундай жасорат билан етиштирилган пахтани вақтида териб олиш ҳам жасорат, шу боисдан ҳар кунги меҳнатингиз ёшу қарининг, кишлоғу шаҳарликнинг назар-эътиборида. Шу кечакундузда далага пахта теришга одамлар юбориш, маданий хизмат кўрсатиш, моддий-техника ёрдамларидан тащқари ҳар бир шаҳарликнинг фикри-хаёли далада, Сизда, азиз пахтакорлар.

Шу сатрларни ёзарканман, пахтакор дўстим Аҳмаджон Одиловнинг ҳикматдек чиройли иборати эсимга тушди: «Қийнаб-қийнаб, роса пешана терини тўктириб турио, ғайратлантириб юборди-ей...» дейди бепоён уфқ-қача бориб тақалган, янги очилган ер, пахтазорга завқ билан тикилиб. У неча марталаб қайта экилган жойларни кўрсатди. Шуида мен бир нарсага ҳайрон қолдим. Асфальт йўлнинг чеккасига ҳар қаер, ҳар қаерига тупроқ тўкилиб қўйилган эди. Аввалига тушунмадим. Кейин билсак бу тупроқ тошлоқ ерга экилган чигитга — мурғак ғўзага «йўрган» вазифасини ўташи керак экан. Дўл, жала қуйган ёмғир ердаги тупроқни ювиб кетган, мурғак ғўза ялангоч бўлиб қолган, устига шу тупроқни солиш керак экан. Машҳур пахтакор Аҳмаджон Одиловнинг миришкорлиги, пахта устаси эканлиги, тадбиркорлиги ҳақида кўп ёзилган. Бу ёғи ҳаммага маълум, бордию, батафсил ёзиш керак бўлса ҳам икки энлик қоғозда айтиб адо қилиш қийин. Биз бу ерда ҳар бир туп ғўзага кўрсатилаётган парваришнинг машаққатингига айтмоқчимиз. Ақл бовар қилмайдиган даражада. Кошки бу нарса беш-олти гектар ерда, унда-бунда бўлса... Машина рулида ўтирган Аҳмаджон бора-боргунча қўлида микрофон ушлаган ҳолда рация орқали қайси далага тупроқ сочиш лозимлигини айтиб борарди.

Аҳмаджон Одилов раҳбарлик қилган Ленин номли территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси пахта топшириш планини ҳам, мажбуриятини ҳам муддатидан илгари бажарди. Июннинг ўша машаққатли кунларида Аҳмаджон айтганидек, «қийнаб-қийнаб ғайратлантиргани...» худди шунинг ўзи эмасми?

«Сизлар жуда катта меҳнат сарфлаб, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдингиз. Шундай ишлангизки, токи улкан меҳнат ва машаққатлар ҳисобига етиштирилган битта ҳам тола, битта ҳам кўсак нобуд бўлмасин. Йиғим-теримда ҳар бир дақиқани ғанимат билиб бор кучингиз билан ишлангиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, нормаларнинг тўла ва ошириб бажарилишига эришингиз». Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамма колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидаги бу даъватлар сўзлар шу бу йилги қайта-қайта экишнинг нималигини кўрган ҳар бир одамни пахтакор жасоратига тасаннолар ўқишга, ана шу туфайли ҳам пахтанинг ҳар бир чигитини ҳар қандай шароитда ҳам ардоқлаб йиғиб олишга ундайди.

Сентябрнинг охири эди. Республика ёш ижодкорлари комсомолнинг 60 йиллик юбилейи шарафига Қашқадарёда, унинг ғўзал ва серманзара Мироқи қишлоғида учрашув ўтказишни мўлжаллашган экан. Визни Қаршида жуда тантана билан кутиб олишди. Вокзал ёш йигит-қизлар билан тўла эди. Автобуслар меҳмонларни Мироқига олиб кетди. Бизнч область комсомол комитетига таклиф этишди. Бу ерда салом-аликдан кейинги биринчи эшитганимиз хушхабар бўлди: Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози областдагина эмас, республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини ҳам, мажбуриятини ҳам бажарибди. Планни барвақт бажариш ҳамма вақт қувончли воқеа, албатта. Биз ҳам қашқадарёлик дўстлар қувончига шерик бўлдик. Уларни табрикладик.

Бундан 10—15 кун муқаддам севимли «Совет Ўзбекистони»миз саҳифасида механизатор қизлар — кунига 11-12 тоннадан хирмон уяётган Мискиной Қурбонова билан Дилором Эшонқуловаларнинг ўз агрегатлари ёнида, қоматларига ярашиб тушган коржомада, чеккаларига тақиб олган бўлиқ пахта юзларидаги табассумга табассум қўшиб турган қолларида кўрганимиз, сурат тагида кенг пахтазорда сузиб юрган кемалар, сатрларда битилган ахди-паймонлар кўз олдимизда намоён бўлди. Аммо кейин билсак, бунинг моҳияти бошқачароқ, шунчаки планни биринчи бажаришда эмас экан.

Совхоз шу йил баҳорида ташкил топган янги хўжалик экан. Ташкил этилган-у, аммо ерни тайёрлаб чигит экишга одамлар етишмаган, умуман бу ерда бу йил пахта етиштириш кўпларни ўйлантириб кўяган. Худди шу кунларда область комсомолларидан ВЛКСМ XVIII съездига делегат бўлган ёшлар ташаббус кўрсатиб совхозга келишган ва қисқа муддатда чигит экишни тамомлашган. Комсомол съезди шарофати, съезд делегатларининг ташаббус ва жасоратлари янги совхозга «ВЛКСМ XVIII съезди» номини бериш билан нишонланган.

Ана энди шу меҳнат ўз самарасини кўрсатиб, янги ернинг илк ҳосили етиштирилган. Чигит экишда жонбозлик кўрсатган ёшлар — съезд делегатлари ўз аҳдларига кўра яна совхозга йўл олишган ва ниҳоят хўжалигининг жуда қисқа муддатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажаришига муваффақ бўлишган Область комсомол комитети секретари бу хушхабарни бизга ҳикоя қилар экан. съезд делегатлари ўзларининг бу меҳнат совғаларини комсомолнинг 60 йиллик тўйига, республика ижодкор ёшларининг семинар-учрашувига бағишлаганликларини мамнуният билан гапириб берди.

Биз область партия комитетида анча ўтириб қолдик. Бюро мажлиси борарди. Областда пахта териш ва топшириш суръати масаласи муҳокама қилинаётгани, партия, совет, комсомол раҳбар ходимлари ҳам, район раҳбарлари ҳам — ҳаммаҳамма шу масала билан бандлиги кўриниб турарди. Обком биносининг хоналаридаги ҳозирги вазият ниҳоятда осойишта, шовқинсиз, ошиқмасдан, телефон трубкаларига ҳам овозга зўр бермай жавоб қилинар, ишчанлик саришта кечарди. Аммо, синчиклаб қаралганда, худди мана шу осойишталик фронт бўйлаб хўжумга тайёрланаётган армиянинг сўнгги тайёргарлигини эслатарди. Аслида ҳам шундай эди. Область партия комитети — меҳнат фронтининг штабида шундай хўжумга тайёргарлик борарди.

Бўлмаса, область пахта тайёрлашда жуда орқада эмасди. Ўша, сентябрнинг охирги ҳафтасида 2,62-2.73 процентдан пахта топшириб, республикада пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотда ўртача ўринда турарди. Шундай бўлишига қарамай область коммунистлари барча имкониятлардан тўла фойдаланиш, йиғим-теримни жадаллик билан ўтказиш чораларини кўришар, оммани ана шу вазифани бажаришга даъват этишарди.

Биз семинар-учрашув иштирокчилари буни шу ерда бўлган кунларимизда кўрдик. Ўша бюро бўлган куннинг эртасиданоқ кунлик маълумотда ўзгариш бўлди. Буни Шаҳрисабз райони мисолида, айниқса, яққол кўриш мумкин эди.

Орадан салкам бир ой ўтди. Октябрнинг охирги кунларидан бирида кечки оқшом телевидение экранида Шаҳрисабз район партия комитетининг секретари Ф. Ҳақназарованинг суҳбатини эшитишга муяссар бўлдик. Фаёза Баратовна ўзига хос босиқлик билан, сира шошмай дона дона қилиб район меҳнаткаштари қўлга киритган зафар ҳақида, пахтакорларнинг жасоратлари, коммунистларнинг етакчи роль ўйнаганликлари ҳақида. Шаҳрисабзнинг, нанки район, бутун областнинг фахри бўлган Эшмурод Зикриллаев. Жума Сафаров бошлиқ юқори ҳосилли бригадалар 50 центнердан хирмон кўтаргани ҳақида гапирди. Гапирди-ю, сўзларида на кибор ва на ғурур сезиларди. Камсуқумлик билан жасорат кўрсатган пахтакорлар, механизаторларга меҳри товланиб, миннатдор бўлиб майин гапирди, мазмунли гапирди Партия ходимининг, раҳбар ходимнинг ёрқин, ҳавас қилса арзийдиган қиёфасини кўриб ўтирардим. Тиклиб туриб ўша юқорида айтилган катта хўжумга тайёргарлик кезларида бу ажойиб коммунист билан учрашганим, ёшларнинг семинар йиғилишларида бирга бўлганимни кўз олдимга келтирдим.

Мажлисларнинг бирида президиумда ёнма-ён ўтирарканмиз, қўлини илгига қўйиб олган Фаёза Баратовнанинг кўзлари сузилиб, мудроқ босаётгани, шу туфайли бўлса керак гоҳ-гоҳ пешанасини кафтига қўйиб ўтирганини пайқаб қолдим. «Аёл кишига, айниқса, раҳбар ходимга қийин... Уй-рўзғор. бола-чақа, дегандек...» дея ўзимча кўнглимдан ўтказиб ачиндим.

Билмадим, пайқаб қолганиданми, ё тасодиф бўлдими, овқат пайтида, бугун соат еттида бюро бўлгани, кейин пленум ўтказишганини, докладчи бўлганидан кечаси алламаҳалгача тайёрланганини айтиб берди.

— Эрталаб еттида, дедингизми?

— Ҳа, — деди Фаёза Баратовна кулиб.

— Дам олиш куни-я?

— Йиғим-теримда дам олиш қаёқда дейсиз, — баралла кулди ва. — план тўлганда дам оламиз, — деди мулойим қўшиб қўйди.

Аҳмаджон Одилов ҳақ. Қийнаб-қийнаб ғайратлантиргани шу!

ОБ-ҲАВО ТЎСҚИНЛИК ҚИЛОЛМАЙДИ

Касбимиз механизатор. Пахтадан юқори ҳосил етиштириш йўлида техникага таяниб ҳамма ишларни қилмоқдамиз. Бу йил баҳорги қийинчиликларни айтиб ўтирмайман, ёз ойларидаги машаққатлар кам эсимизда чиққани йўқ. Кузга келиб пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошладик. Дастлабки кунларда ишимиз яхши юришди, совхозимиз бўйича кунига йиллик планнинг 5-6 процентига етказиб пахта тайёрлай бошладик.

Барча механик-ҳайдовчилар, шу жумладан мен ҳам «зангори кемани моҳирлик билан бошқариб, хирмонга кут-барака киритдик Мен дастлаб Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози далаларида пахта тердим, Шу кунгача терган пахтам 300 тоннадан ошди.

Далаларимизда ҳали ҳосил кўп. Кейинги кунларда бўлиб ўтган ёғингарчиликлар теримни анча мушкуллаштирди. Шунга қарамай меҳнатимиз, техника қудрати билан етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишимиз шарт.

Ёғингарчиликдан кейин ер етилиши билан машиналар, механизм- агрегатларни пайкалларга киритяпмиз, фурсатни қўлдан бой бермаслик учун тунда машъалалар ёқиб пахта теряпмиз. Бизнингча ҳамма жойда пайтни пойлаб, фурсат қулай келиши билан шундай қилиш керак. Чунки ҳосил тақдирини об-ҳаво эмас, меҳнат, жасорат, тадбиркорлик ҳал қилади. Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб, қийинчиликларга бардош бериб астойдил ҳаракат қилсак, қолган ҳосилни ҳам тезкорлик билан йиғиштириб оламиз.

Биз иложи бўлиши билан терим машиналари, кўсак узадиган механизмларни картларга киритяпмиз, узилган кўсак бостирмалар остида тозаланиб, пахтаси пунктга жўнатилятти. Теримни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаймиз, республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳиссамизни кўшамиз.

Мискиной ҚУРБОНОВА,
Усмон Юсупов районидаги «ВЛКСМ XVII съезди» совхози механик-ҳайдовчиси.

ПАХТАКОРЛАРГА

Сизга бўлган меҳру ишқим қалам тутди қўлимга,
Сизга бўлган меҳру ишқим шуъла сочди йўлимга,
Дала томон йўлга чиқдим, ҳаяжоним юракда,
Сиздан бўлак ҳеч бир наво сиғмай қолди ўйимга.

Сиз пахтазор кезган чоғда дуррани бошга илиб,
Ҳали кўёш нокилларни ёйганча йўқ эди.
Қаторларга сиз кирганда дурдона шабнам эриб,
Оқиб ётган оппоқ денгиз кўзни олар чўғ эди,

Биласизми, бутун элим нигоҳ қадаган сизга,
Биласизми, олам эли омад тилаган сизга.
Марра сари бошлар йўллар ҳали анча олисда
Таянчим, мададим ҳамма атаган сизга.

Ҳорликлардан, ҳузурлардан кечмоққа фурсат келди.
Оқ денгиз чайқалмоқда, эплаб олмасак бўлмас,
Далаларим айланиб, кузнинг шамоли елди,
Тунларим ҳам қошида тунаб қолмасак бўлмас.

Юрагида ўти борлар, вужуди пахта бўлган,
Аллақачон ўрнин билиб, ўзни далага ургай,
Хирмон деган граммлардан айланар тонналарга
Плани тўлмагунча кимнинг ҳам кўнгли тўлгай,.

Данакдайин бир чигитни оқартириб олгунча,
Мурғаккина ниҳолларни кўкартириб олгунча,
Пешонадан қанча теру белдан йўқолар қувват,
Пардай момиқ толадан то кўпайтириб олгунча.

Чорлаб турар кўзни олиб оқарганча «оқ олтин»,
Чорлаб турар чаноқлардан тошганча у бетин,
Тўкилган ҳар томчи тер унда дурдона бўлиб,
Шошмоқлик чоғи ғайрат ва шижоатнинг отин,

Муҳаббат ТУРОБОВА.

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

Ленин номли совхознинг азамат деҳқонлари пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини Эллиққалъа районида биринчи бўлиб бажарио, шу кунларда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Ҳар гектар майдонда териб олинган пахта 40 центнердан ошди.

Гектаридан 60-65 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Ленин ордени кавалерлари Кўша Эгамбердиев ва Кори Кулиев, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Йўлдош Қақабоев, шунингдек, Ҳасанбой Эржонов, Иброҳим Раимберганов раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 48-50 центнердан ошди. Ана шу бригадаларда қор-ёмғир бўлишига қарамасдан ҳар куни йиллик планнинг 2-2.5 процентига миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Саккизта «зангори кема» мавсумда унумли ишлатилди. Қумри Олломова, Раимбой Аширов, Иброҳим Эгамбердиев, Ҳайитбой Қурбонов каби дала гвардиячиларнинг ҳозиргача терган пахтаси 250-270 тоннадан ошди. Пахта далаларидаги учта кўрак терадиган, еттита кўрак тозалайдиган машиналар кеча-кундуз ишлаб турибди. 680 теримчидан 180 таси кўпминг килограммчилар сафига қўшилиб ишламоқда. Ўнлаб илғор теримчиларнинг ҳозирчага терган пахталари 10-12 тоннадан ошди.

— Далада ҳали ҳосил кўп, — деди колхоз раиси Султонбой Отажонов, — пахтакор ва механизаторларимизнинг кайфияти яхши. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол меҳнат билан етиштирилган пахтамизнинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб оламиз. Шу кеча-кундузда ҳамма пахта теримида.

Колхоз баҳодирлари ҳосилдорликни 50 центнерга, ялпи хирмонни эса 3500 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

БИР РАЙОНДА ИККИ МАНЗАРА

Шу қисталанг кунларда ҳар дақиқа ғанимат бўлиб қолди. Олтиндан ҳам қиммат, ноёб азиз пахтамизнинг бир миқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ҳаммаларнинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги: сусткашлик — теримнинг душмани. Ҳосилни йиғиб-териб олишимиз учун табиат бизга ажратган фурсат ўз қолди... Кузнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати ғанимат, уни қўлдан бой берсанг, кейин қайтариб ололмайсан. Озгина сусткашлик, озгина парвосизлик ҳосилга эплаб бўлмайдиган зарар етказиши, минг-минг кишиларнинг меҳнатини зое кетказиши мумкин. Дўстлар, бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас! — деган сўзлар пахтакорларнинг қалбидан чуқур жой олди, уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Жарқўрғон районидаги кўпчилик хўжаликларда, жумладан, «Шарқ юлдузи», Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди» колхозлари ва «Сурхон» совхозида терим Мурожаат асосида ташкил қилиниб, кунига йиллик планнинг бир процентига етказиб пахта топширилмоқда.

Афсуски, райондаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари шундай ғанимат пайтларда ҳам бегамлик қиляптилар, йиғим-теримни ўзибўларчиликка ташлаб қўяяптилар. «Коммунизм», Норали Боймуродов номли, «Социализм» колхозларида йиғим-терим сусткашлик билан олиб бориляпти, бутун куч техника ва техника воситалари теримга тўла сафарбар этилмаяпти. Кўсак узиш ва чувиш агрегатларининг ярмидан кўпи турли баҳоналар билан бекор турибди. Натижада, кунлик график бажарилмаяпти.

Ф. Маматқулов раислик қилаётган «Социализм» колхозида, айниқса, аҳвол ачинарли. Пайкалларда пахта кўп бўлишига қарамай терим яхши ташкил этилмаяпти. Натижада, йиллик план энди 90 процент атрофида бажарилди, холос. Кунлик суръатдан мутлақо қониқиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Хўжаликдаги 21 бригададан атиги 7 таси планини бажарганига қарамай судралишга кескин барҳам берилмаяпти.

Бундай ачинарли аҳволга сабаб нима? Теримчилар дала ишларида тўла қатнашмаяпти. Уларнинг кўпчилиги кунлик нормаларини бажармаяпти. Оқибатда кунига графикдаги салкам 40 тонна ўрнига 20—22 тонна пахта тайёрланяпти, холос.

Колхознинг Хавдак қўриқ участкасидаги пахтазорлада терим машиналарини бемалол ишлатиш мумкин. Айни кезда кўсак узиш, чувиш механизмларини ҳам ишлатса бўлади. Афсуски, амалда шундай қилинмаяпти. Бунинг устига сушилка хўжалиги вақтида тартибга келтириб қўйилмаганлиги сабабли пахта ўз вақтида қуритилмаяпти.

Хўжалик раҳбарлари мавжуд ишчи кучлари, техникадан оқилона фойдаланиш ўрнига шаҳарлик ёрдамчиларга кўз тикиб ўтиришибди. Жўманазар Тожиев бригадасида теримчиларнинг ярми ҳам дала ишларида қатнашмаяпти. Кўпчилик активларнинг оила аъзолари шундай долзарб кунларда ўзларини теримчилар сафида бўлишини эп кўрмаяпти. Иккинчи даражали ишлар билан банд бўлаётган колхозчилар сони кўп. Ваҳолонки, бугун ҳамма ва ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда бўлмоғи, етиштирилган ҳосилни охирги граммигача тезроқ саранжомсаришталаб олишга ҳисса қўшмоғи керак. Районнинг кўпчилик хўжаликларида йиғим-терим ишларини 1 декабргача тўла тугаллаш учун курашилмоқда. Лекин бу хўжаликда шундай қилинмаяпти. Пахта тайёрлашда орқада қолаётган бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам йўқолган олтин топилиши, лекин йўқотилган вақт топилмаслигини тушунмаяпти. Шунинг учун ҳам бу хўжаликлар пахта тайёрлашда бир нуқтада депсиниб турибди.

Жарқўрғонликлар кунлик пахта тайёрлаш графикларини тўла ва ошириб бажариши учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Фақат ташкилотчилик ишларини кучайтириш, хўжаликларнинг раҳбарларидан қаттиқ масъулият талаб қилиш, теримчилар, механик-ҳайдовчилар, ёрдамчиларга етарли маданий-маиший, шароит яратиб бериш керак. Ваъдабозликдан амалий ишга кўчиш ғайти аллақачон келган. Буни жарқўрғонликлар яхши тушунмоқлари, теримда кескин ўзгариш ясамоқлари зарур.

П. СОЛИЕВ,
«Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси ходими.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК САНЪАТИ

БАХТЛИ БОЛАЛИК АНСАМБЛИ

Завод клуби ҳузурида ташкил этилган халқ ансамблининг ўн йиллиги нишонланаётган кунлар эди.

Ўтган давр ансамбль ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ҳаваскорлар ижоди шаклланиб, ҳар томонлама ўсди, юксалди. Эндиликда уларни завод ишчиларигина эмас, балки Тошкент шаҳри аҳолиси, республиканинг турли бурчакларидаги санъат ихлосмандлари ҳам яхши билишади.

Ислом Исмоилов ана шулар ҳақида ўйлар экан, завод клуби директори Михаил Марголин айтган мулоҳаза эсига тушди. Халқ санъатини яхши кўрган, ўзи ҳам унча-мунча машқлар қилиб юрадиган Михаил Лазаревич резервлар устида ўйлаб кўрамизми, деган эди. Шунда Ислом Ибрагимович ўзи ҳам шу ҳақда бош қотириб юрганлигини, турли санъат ўқув юртларига ва профессионал коллективларга ишга, ўқишга кетган собиқ қатнашчиларнинг ўрни билиниб қолаётганлигини айтди.

Бўлажак ансамблда қатнашиш истаги борлар кўп эди. Шунинг учун иш конкурсдан бошланди. Рақс санъати билан шуғулланишга қобилияти етадиган, рақс санъати билан яхши таниш бўлган, айни вақтда машҳур раққос ва раққосаларнинг ижодидан яхши хабардор болалар ансамблининг қалдирғоч қатнашчилари бўлдилар. Бу хайрли, олижаноб иш завод маъмурияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлиги, ишчи ва хизматчиларнинг эътибори, ёрдами, энг муҳими, қизиқишлари туфайли тез орада тилга тушди...

Мана шунга ҳам саккиз йил бўлди. Ислом Исмоиловнинг шогирдлари ўз санъатларини Москва ва Киевда, Звёзднийда, Полтавада намойиш этишди. Жажжи ҳаваскорларнинг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган рақслар республикамиз пахтакорларига, Бекобод металлургларига, Ангрен шахтёрларига, Чирчиқ химикларига, Олмалиқ кончиларига, чўлқуварларга манзур бўлди. Кенг эътирофни ансамблга «Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати» унвони берилганлиги факти ҳам исбот этади. Болалар билан суҳбатлашиб қолсангиз, ўз ижодларини машҳур кишиларга ҳам маъқул қила олганликларидан севиниб ҳикоя қилишади. Масалан, космонавт Совет Иттифоқи Қаҳрамони Павел Поповичнинг улар ҳақида айтган дил сўзларини республикамизда жуда кўпчилик билса керак. Чунки Павел Попович Ўзбекистон телевидениеси ва радиосига берган интервьюсида Тошкент электрон техника заводининг митти ҳаваскорлари маҳоратига алоҳида тўхталган эди. Ёки бўлмасам, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоеванинг эътирофи ва олқишини эслайлик. «Бу жажжи ҳаваскорлар, — деган эди у, — келгусида республикамиз рақс санъатига муносиб ўринбосарлар бўлиб етишса ажаб эмас. Уларнинг бугунги интилиш ва орзулари, ҳаракатлари, ижодлари шундай дейишимга асос беради»

Ислом Исмоилов ансамблида ҳозир бир юз олтмиш иштирокчи бор. Тўғри, ҳар бир қатнашчининг ўзига яраша қобилияти, айтиш мумкинки, маҳорати, тажрибаси бор. Лекин мураббий назарида «фалончи энг яхши» ёки «бу бошқаларга нисбатан дуруст» эмас, балки, ҳамма теппатенг. Ислом Ибрагимовичнинг бундай йўл тутишини изоҳлаб ўтирмасак ҳам бўлади. Негаки, у болалар билан ишлайди!

Ансамблнинг собиқ иштирокчилари бугунги кунда таниқли кишилардир. Масалан, Игорь Кистанов Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта опера ва балет театрида солист, қатор балетларда эсда қоларли образлар яратди. Людмила Левашова Ленинград мюзик-холлида солист, Марказий телевидение орқали Бутуниттифоқ санъат мухлислари назарига тушган. Ира Акерман эса бадиий гимнастика бўйича СССР спорт мастери бўлди. Ольга Муравенко, Саша Риженко, Наташа Хлебниковалар ансамблнинг тайёрлов группасига раҳбарлик қилмоқдалар.

«Бахтли болалик» ҳақиқатан ҳам бахтли болаликнинг рамзи. Унинг репертуарида бахтиёр совет болаларининг ҳаётини ёрқин кўрсатувчи асарлар бор. Болалар бу рақсларни катта интилиш ва иштиёқ билан ижро этишади. Шуниси характерлики, профессионал санъаткорлар томонидан аллақачон талқин этилиб келинаётган машҳур рақслар ҳаваскорлар ижодида ўзига хос ижро этилмоқда. Шубҳасиз, бунда жонкуяр устоз Ислом Исмоиловнинг хизмати катта. У болалар билан машқ қилишдан чарчамайди. Машқлар ўз вақтида, пухта ўтказилади. Агар завод клубига келиб, ансамбль машқларини кузатсангиз, ишга нечоғлик масъулият билан ёндашилаётганлигининг, айни вақтда астойдил қизиқишнинг гувоҳи бўласиз.

Ю. БЕРДИЕВ.

Пойтахтдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг маҳсулотлари элимизга манзур бўлмоқда. 28 номдаги конфетнинг кўпчилигига давлат Сифат белгиси берилган. Суратда: карамель цехи комсомол-ёшларидан бир группаси.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

ЛЕНИНГРАДДАН ХАТ

ЎЗБЕК ОЛИМИГА МУКОФОТ

Словакия медицина жамияти Ўзбекистон Фанлар академияси Физиология илмий-тадқиқот институти овқат ҳазм қилиш лабораториясининг мудири, профессор Карим Раҳимович Раҳимовни жамиятнинг олтин медали ва Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади. К. Раҳимов бу медалга медицина фани ва Совет—Словакия дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун лойиқ кўрилди. У Совет Иттифоқи ва Чехословакия Фанлар академияси томонидан уюштириб келинаётган қатор симпозиумларнинг мунтазам қатнашчиси, Братиславада бўлиб ўтган гастроэнтерологларнинг халқаро XVII конгресси иштирокчиси ҳамдир.

Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек олимлари орасида биринчи бўлиб профессор К. Раҳимов Словакия медицина жамиятининг медалини олишга муяссар бўлди.

Б. ЗАРИПОВ.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ДИЛ РАНЖИМАСИН

Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг автобус бекатида бахтсиз ходиса рўй берди. Кенг йўлда Тошкент тарафдан келиб келаётган «Москвич» енгил автомашинаси ҳозиргина автобусдан тушиб, йўлнинг нариги томонига ўтаётган кампирни уриб кетди. Гулистондан келаётган автобус эндигина жойидан қўзғалган, ҳали бекатдаги одамлар тарқалиб улгуришмаган ҳам эди. Кутилмаган бу фалокатдан ҳамма қалқиб кетди. Бир зумда кампир атрофида одам тўпланди. Кимдир жаҳл устида шоферни қарғади, кимдир оғир ҳароҳатланган қарияга ачиниб йиғлаб юборди. Фалокат сабабчиси бўлган «Москвич» эгаси эса машинамга зиён етмадимикан, деб уни кўздан кечириш билан овора эди...

Тўпланганлар бечора қарияни машинага ўтказиб касалхонага жўнатиб юборидилар. Кўп ўтмай воқеа рўй берган жойга ГАИ ходими етиб келди. Дастлаб у шофёр ёнига салобат билан ёндашди-ю, лекин авария қилган кишининг ҳужжатлари билан танишгач, шаштидан тушиб, муомаласини ўзгартирди. Негаки, унинг қаршисида турган киши — Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институти автотехника экспертизаси бўлимининг мудири Юрий Георгиевич Арабули эди. Гапнинг бу ёғини қисқа қилиб айтганда масала шу билан тугадики, ўлчов, текширув, ёзув-чизувлар ниҳоясига етгач, содир бўлган авариянда ўртоқ Арабули эмас, балки 68 ёшли пенсионер Саври Тожиева айбдор бўлиб чиқди...

Юрий Георгиевич авария ҳужжатларини расмийлаштириш ташвишида юрар, Саври Тожиева эса касалхонада ўлим билан олишарди. Докторларга раҳмат, Сирдарё область касалхонаси травматология бўлимининг Жума Жабборов раҳбарлигидаги шифокорлари кекса онахонинг соғлиғи йўлида астойдил курашдилар. Операция муваффақиятли ўтди. Деярли 10-12 кундан сўнг беморга қайта жон киргандай, у анчагина ўзига келиб қолди.

Серфарзанд, невара-чевараси онахонни машина уриб кетганлигидан хабар топган унинг узоқ-яқин қариндошлари, қўни-қўшнилари, ҳамкишлоқлари ҳамдардлик билдиришиб, тез-тез йўқлаб, оғир пайтларда кўнглини кўтариб, дардига малҳам бўлиб турдилар. Кишиларнинг эътиборию, уларнинг илиқ гапларидан ярим жон бўлиб қолган қариянинг дардига малҳам бўлар, кўнглини тоғдек кўтарар эди.

Кекса онахоннинг соғлиғидан хабар олиб турувчиларнинг кети узилмасди. Лекин улар орасида бир одам — Саври холани мажруҳ қилиб қўйган киши кўринмас эди. Айтишларича унинг иши кўп эмиш. Балки вақти бўлмаётгандир. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам бир келиб ҳол-аҳвол сўраб кетар, ахир у ҳам инсон-ку, дея ўзини тинчлантирарди қария. Фақат угина эмас, унинг умр йўлдоши, ўғил-қизлари, набиралари ҳам шу фикрда эдилар. Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ниҳоят, кампирни касалхонадан уйга олиб келдилар. Яна ҳафталар, ойлар ўтди. Лекин ҳамон ўртоқ Арабулидан дарак йўқ эди. Афтидан уни бир бечора кампирнинг соғлиғи қизиқтирмаётган кўринар эди. Бу ҳол Саври Тожиева ҳамда воқеадан хабардор кишиларга жуда ҳам оғир ботди. Қария ўзини янада камситилгандай, ҳақоратлангандай сезарди. «Шундай бераҳм кишилар ҳам бўладими?» дея куйиниб кўз ёши қиларди у.

«Тан жароҳати битса ҳам дил жароҳатининг битиши қийин бўлар экан, — деб ёзади редакцияга С. Тожиеванинг ўғли, Бахт посёлкасидаги темир-бетон буюмлари заводининг ишчиси Саттор-қул Тожиев. — Бахтимизга онамиз ҳаёт қолдилар. Ўртоқ Арабулига нисбатан бизнинг давоғ-дастагимиз ҳам йўқ. Фақат бир нарсагина дилимизни оғритмоқда, холос. Наҳотки, авариядан жароҳатланган қария ҳолидан хабар олиб, бўлиб ўтган воқеа учун ундан кечирим сўраб қўйишни ўзига эп билмаса?».

Ўринли эътироз. Одамлар борки, кўчада бировни беҳосдан туртиб кетгани ёки билмайин тегиб кетиб қўлидаги нарсасини тушириб юборгани учун кечирим сўрайдилар, уялиб қизарадилар. Бу ерда эса гап жиддий нарса устида бормоқда. Еши қирқдан ошган, йирик илмий даргоҳларнинг бирида кўпдан бери бошқаларга ақл ўргатиб юрган бу масъул шахс нега одиғ заҳматкаш одамлар қаршисида ўзини бу қадар мағрур тутади? Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институти раҳбарларидан ана шу саволга жавоб олишни истар эдик.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЛАЗЕР—ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ ҚУРОЛИ

Куни кеча Тошкентда физикларнинг лазер нурланишини бошқариш проблемаларига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини тугатди. Унда 370 олим, — мамлакатдаги етишган ортиқ илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашдилар. Тез ривожланаётган фан соҳасининг актуал миҳатларига бағишланган икки юздан ортиқ илмий доклад тингланди.

Конференция қатнашчилари фан-техника тараққиётининг назарияси ва практикасининг мана шу муҳим проблемаларини ишлаб чиқишда мамлакат илм-фан коллективлари кучғайратларини бирлаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар, тадқиқотларни ривожлантириш режаларини белгилаб олдилар. (ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА

„ЮНОСТЬ—402“ ТЕЛЕВИЗОРИ

БУ ТЕЛЕВИЗОР ЭЛЕКТР ТОКИ ВА АВТОМОБИЛЬ АККУМУЛЯТОРИДА ИШЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН У ДОИМО УИДА ҲАМДА САФАРДА СИЗГА ҲАМРОҲ БЎЛА ОЛАДИ. ТЕЛЕВИЗОР АНИҚ ТАСВИРИ БИЛАН СИЗНИ ХУРСАНД ҚИЛАДИ.

«ЮНОСТЬ-402» ЮҚОРИ ТЕХНИК ПАРАМЕТРЛАРГА ЭГА БЎЛИБ, ТАШҚИ КЎРИНИШИ ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ БЕЗАТИЛГАНДИР.

Экран катталиги диагонали бўйича 31 сантиметр.



Баҳоси — 220 сўм.

ЦКРО «РАДИОТЕХНИКА».

ТОШКЕНТ «ЭТАЛОН» ТАЖРИБА ЗАВОДИ

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БАРЧА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЗАВОД 1979 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ПРИБОРЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ БИЛДИРАДИ

ФИЗИКА-ХИМИЯВИЙ, ОГИРЛИК ЎЛЧОВ, РАДИО ЎЛЧОВ, ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ, ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ, МЕХАНИК, ОПТИКА-МЕХАНИК, ВОСИМ ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ, ЕГ-МОЙ-БЕНЗИН ТАҚСИМЛОВЧИ КОЛОНКАЛАР, ШУНИНГДЕК ТАРОЗИЛАР МОНТАЖИ.

ШАРТНОМА ТУЗИШ МУДДАТИ — 1 ДЕКАБРГАЧА.

Шартномасиз ўлчов воситаларини ремонт қилиш заводнинг 1979 йил планига киритилмайди. Улар завод ва унинг филиалларининг имконятига қараб бажарилади.

Шартнома тузиш учун барча манфаатдор ташкилотлар заводга ремонт қилиш учун юборилаётган ўлчов воситалари рўйхати билан ёмма равишда мурожаат қилишлари керак. Рўйхатда приборларнинг номи, типи, аниқлик класси, энг юқори нагрузкаси, миқдори, шунингдек унинг жойи ва ремонт ўтказиш исталган вақти кўрсатилсин.

ЗАВОД ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ БИЛАН ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА ТУЗИШ МУМКИН БЎЛГАН ЎЧАСТКАЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Тошкент шаҳри, Губкин кўчаси, 1 «а»-уй. Телефон 66-10-13.
Чирчиқ шаҳри, Советская кўчаси, 4 «а»-уй. Телефон 6-36-21.
Янгийўл шаҳри, Мопр кўчаси, 9-у. Телефон 37-44.
Сирдарё шаҳри, Муқимий кўчаси. Телефон 3-28.
Гулистон шаҳри, Короленко кўчаси, 11-уй. Телефон 23-11.
Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 153-уй. Телефон 3-33-20.
Андижон шаҳри, Базарная кўчаси, 4-уй. Телефон 28-93.
Наманган шаҳри, Ўрабулоқ кўчаси, 3-тупик. Телефон 59-74.
Нукус шаҳри, Раҳимов кўчаси, 11-уй. Телефон 42-19.
Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 66-уй. Телефон 52-03.
Фарғона шаҳри, Р. Қосимов кўчаси, 11-уй. Телефон 4-41-12.
Қўқон шаҳри, Ленинобод кўчаси, 80-уй. Телефон 26-98.
Ленинобод шаҳри, Ленинград кўчаси, 3-уй. Телефон 6-58-47.

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАРКАЗИЙ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАЗАГА

(Тошкент область, Тошкент райони, Михайловское посёлкаси)

бўлимлар ва лабораториялар бўйича:

ўсимликлар ҳимояси бўлимининг мудири;
ўсимликлар ҳимоясининг биологик методи бўйича катта илмий ходим.
ўсимликлар ҳимоясининг биологик методи бўйича кичик илмий ходимлар (2 ўрин), илмий-техника ахбороти, механизация бўлимлари, физиологил, биохимия ва радиобиология лабораториялари бўйича кичик илмий ходимлар.

ИНСТИТУТНИНГ МИРЗАЧЎЛ ФИЛИАЛИГА

(Сирдарё область, Ильич райони)

боғдорчилик ва узумчилик бўлимининг мудири;
боғдорчилик ва узумчилик бўлимининг кичик илмий ходимлари (2).

Конкурсда фан доктори ёки кандидати илмий даражаси бўлган ,шунингдек, катта ишлаб чиқариш стажига эга бўлган кишилар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 17 декабрга.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Главпочтамт, Р. Р. Шредер номли Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти. Телефон: 44-50-77.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/XI да **Афсоналар водийсида**, 22/XI да **Оққуш кўли**, 23/XI да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/XI да **Рўйхатларда йўқ...**, 22/XI да **Кўрмайин босдим тиконни**, 23/XI да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/XI да **Тошкентнинг нозанин малиноси** (18.30), 23/XI да **Хотинимнинг эри**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **«Аренада москваликлар»** янги цирк программаси (19.30).

11-«Висотстрой» қурилиш трести коллективи трест бошқарувчисининг ўринбосари М. Х. Ортиқхўжаева опаси

Инобат Ортиқхўжаевна ҚУЧҚОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

УКРАИНА:

ТЕЖАШ МАРРАЛАРИ

Запорожье ГРЭСида ўрнатилган саккиз юз минг киловатт қувватли энергоблокнинг ҳаммаси ёқилғи сарфлаш лойиҳа даражасига етказилди. Агрегатлар ишининг бу муҳим кўрсаткичига нормадаги муддатдан ярим йил илгари эришилди.

Иссиқлик станцияси коллективининг бундай муваффақиятга эришишига социалистик мусобақа ёрдам берди. Станциядан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, технология жараёнларини такомиллаштириш, агрегатлар иш самарадорлигини оширишнинг резервларини актив қидириш учун курашга астойдил бел боғладилар. Масалан, бешинчи блокда иссиқлик жараёнини бошқаришнинг автоматлашган системаси жорий этилди. Бу агрегатнинг иш нагрузкасини анча оширди ва ёқилғи сарфини камайтирди. Олтинчи блокни автоматикага кўчириш ҳам тугади.

ГРЭСда ҳозир бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун ўтган йилдагига нисбатан 4,2 грамм кам ёқилғи сарфланаётир. Станция коллективи йил охирига қадар қўшимча равишда камида 1,3 минг тонна ёқилғи ва 3,6 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежашга аҳд қилди.

МОЛДАВИЯ:

ГРАФИКДАГИДАН ЎЗИБ

Тирасполь ип газлама комбинати пардозлаш цехининг охирги, тўртинчи навбати маҳсулот бера бошлади. Қурувчилар ва монтажчилар бу йилги социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар: шу навбатнинг ускуналари пландаги муддатдан бир ярим ой илгари ишга туширилди.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, шу йил март ойида республикамизда эстрада санъати конкурси бошланган эди. Ижодий мусобақада район ва шаҳар маданият ўйлари, саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг вакиллари иштирок этишди. Умуман конкурса 513 коллектив ва 4566 иҳрочи қўшилди. У вокал, вокал-чолғу, эстрада-чолғу, хореография, нутқ, эстрада-цирк ва оригинал жанрлари бўйича ўтказилди.

Куни кеча ана шу масъулиятли ва завқли ижодий мусобақага якун ясалди. Биринчи республика эстрада санъати

ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ЭСТРАДА САНЪАТИ КОНКУРСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

●

конкурсининг дипломи ва пул мукофоти билан 21 ансамбль, шунингдек, 16 ҳаваскор тақдирланди. Уларга айни вақтда «Республика эстрада санъати конкурси лауреати» деган унвон берилди. Голиблар орасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳузуридаги «РАДУГА» Фарғона тўқимачилик комбинатининг «ЛИРИКА», Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг «БАЁТ», Коммунистик райониндаги «Политотдел» колхозининг «Чен-Чун» ансамбллари, Андижон педагогика институтининг студенти Н. Дўстмуродов, Тошкент Давлат политехника институти «СИГма» вокал-чолғу ансамблининг солисти Н. Чурадаева, Тошкент шаҳридаги Улуғбек номли № 1 маданият уйининг иштирокчиси О. Агеева, А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг студенти М. Ҳакимов, Таллимаржон шаҳридаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективининг қатнашчилари Б. Тошпўлатов, А. Восиков ва бошқалар бор. Конкурснинг саккиз қатнашчисига Узбекистон ССР Маданият министрлиги ва маданият ходимлари касаба союзлари республика комитетининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофот муборак, голиблар!

«ЗАНГОРИ КЕМА» ВА КИТОБ

Пахтакорларни бирлаштирган китобсеварларнинг клуби «Зангори кема» деб аталади. Клуб эмблемасида китоб ва пахта терадиган машина ёнма-ён акс эттирилган. Бу клуб Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозида тузилди. Хўжалик ўзининг маданий муассасалари билан ҳам машҳурдир. Бу ерда саккизта умумий таълим мактаби, иккита кинотеатр бор. Совхоз кутубхоналарида 46 минг том китоб тўпланган бўлиб, ҳар бир кишига бештадан тўғри келади. Бу жамоат китоб фондларининг ўзи, холос. Бундан ташқари совхозда Қориев, Зотов, Холиқов, Камоловлар сингари анчагина оилалар борки, уларнинг шахсий кутубхоналарида минг томдан зиёдроқ китоб жамланган.

Бу ерда китобга меҳр кўйишган. Китобга бўлган бу муҳаббат ҳар бир хонадонда, ҳар бир уйда тобора кўпроқ янги-янги китобларни тўплашга ёрдам бермоқда. «Зангори кема» клуби ўзида 32 китобсеварни уюштирган. Уларнинг ҳар бири жуда кўп китоб ўқиган, китобларни пропаганда қилиш билан боғлиқ анчагина қизиқарли ишларни бажарган.

Клуб аъзолари совхознинг марказлаштирилган кутубхонаси билан биргаликда «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз», «Биз тинчлик тарафдоримиз», «Пахта — иқтисодиётимиз», «Революция дохийси», «Ажойиб кишилар ҳаётиз» туркумидан тематик кечалар ўтказишди. Бу кечалар кутубхонада, шунингдек кўчма кутубхоналар очилган пахтачилик бригадаларининг дала шийпонларида ўтказилди. Бунинг натижаси яққол кўриниб турибди: совхоз кутубхонасининг фондидан фойдаланадиган актив китобхонлар 120 кишидан ҳам ортиб кетди. Шавкат ва Шуҳрат Бобохоновлар, Одина Тожибоева, Гулбаҳор, Зулхумор ва Мухтасар Болтабоевалар, Надежда Шурко ва совхоздаги бошқа кўпгина ишчилар йил мобайнида ўттиз-қирқтадан китоб ўқишга улгуришди.

Бу ерда китобни шундай ўқиб чиқиш билангина кифояланиб қолишмайди. Бир-бирлари билан фикрлашадилар, ёзувчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан, фан ва санъат арбоблари билан учрашиб турадилар. Бу ерда ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романига бағишланган китобхонлар конференцияси ўтказилди, пушкинхонлик ва толстойхонлик уюштирилди.

Клуб иштирокчилари ҳозир жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхона тузишни ва уни ўз ҳамкишлоқлари, Днестр дарёси соҳилидаги Номсиз теппаликда ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳромони Ғулом Еқубов номи билан аташни мўлжаллаб турибдилар. Қаҳрамоннинг ҳамюртлари тўплаган адабиётлар «Зангори кема» ва китоб ҳамдўстлигида вужудга келган ана шу янги кутубхонага негиз бўлади.

Совхоз клуби — Ўзбекистонда тузилган китобсеварларнинг ўн мингта ошлангич ташкилотидан бири. Китобсеварлар республика жамиятидан ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, ҳозир бу жамият қарийб 550 минг кишини бирлаштириб турибди. Ўнинчи беш йиллик охирига қадар жамиятга аъзо бўлган китобсеварлар сони бир миллион 400 минг кишига етади.

ТОШКЕНТДАН ҒАПИРАМИЗ ВА КУРСАТАМИЗ

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Эртадабки гимнастика. 9.55 — «Ордёнок». 10.10 — Васса Железнова (фильм-спектакль). 15.00 — Венгрия бўйлаб. 15.35 — Композитор Д. Шостакович. 16.20— Спорт класси. 17.05 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 17.40 — Ешлар адреслари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Расмларда қуёш акси бор. 19.00 — Врач суҳбатлари. 19.30 — Литва ССР халқ артисти Э. Канява куйлайди. 20.05 — Электр энергиясини тежанг. 20.25 — Аревик (бадиий фильм. 1-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00—Фильм-концерт. 23.05 — Олимпия мўлжали. (ҳужжатли фильм). 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 —Ҳужжатли фильм. 12.30 Ўқув кўрсатуви. 18.00—Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол!». 18.40 —Ҳужжатли фильм. 18.55—Миллионлар ленинча университети. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Ўзбектелефильм-78». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг И. Бўронов раҳбарлигидаги халқ ансамбли концерти. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Пахтазор—мардлар майдони. 22.15 — Салом, бу мен. (бадиий фильм. 1-серия). 23.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор»— «Шахтёр» (Прокопьевск).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

ПРОГРАММА

19.00 — «24-25 қайтмаяпти» (бадиий фильм). 20.55 — Янгиликлар.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Радиопостановкалардан кўшиқлар. 9.30 — Ватан ҳақида қўшиқлар. 11.15 — Коммунистлар авангарди. 11.25 — Концерт. 12.00 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Мусобақадош областлар радиойўлламаси. 13.30 — Қувноқ сайр. 14.00 — Нознеъмат бунёдкорлари. 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг ижодида замонавийлик. 18.30 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 18.50—Ешлик. 19.40 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.50 — Эшвой куйи. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Концерт. 21.30—Инсценировка қилинган ҳикоя. 22.30 — Эстрада концерти. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-18; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26; 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик набулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-45; Қашқадарё— 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02902. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 265.